

**ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЯНГИ  
ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК МЕТОДЛАР  
(“Венн диаграммаси”, “Ассесмент”, “Елпиғич”, “БББ” методлари  
мисолида)**

**Ҳабибуллаева Муҳаббат Нуъмонжоновна**

**Андижон давлат университети География кафедраси катта  
ўқитувчиси**

***Аннотация:** Мазкур мақола география дарслари самарадорлигини ошириш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиб машғулотларни олиб бориш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб таълим бериш ва тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.*

***Калит сўзлар:** География таълими, “Венн диаграммаси” методи, “Ассесмент” методи, “Елпиғич” методи, “БББ” методи.*

**НОВЫЕ СОВРЕМЕННЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ МЕТОДЫ,  
ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ В ОБУЧЕНИИ ГЕОГРАФИИ**

**Ҳабибуллаева Муҳаббат Нуъмонжоновна**

***Аннотация:** Данная статья играет важную роль в повышении эффективности уроков географии, проведении занятий с применением новых педагогических технологий, воспитании и обучении подрастающего поколения как гармонично развитых людей.*

***Ключевые слова:** географическое образование, метод диаграмм Венна, метод оценивания “Assessment”, метод Веера, метод ЗХУ.*

**NEW MODERN PEDAGOGICAL METHODS USED IN THE  
EDUCATION OF GEOGRAPHY**

**Habibullaeva Muhabbat Nu'monjonovna**

Senior lecturer of the Department of geography of Andijan State University

**Annotation:** this article is of great importance in increasing the effectiveness of geography classes, training using new pedagogical technologies, teaching and educating the younger generation as a harmonious person.

**Key words:** geography education, "Venn diagram" method, "assessment" method, "Elpigich" method, "BBB" method.

География таълимида дарслик, географик атлас ва карталар, дидактик тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилади, интернет сайтлари ва маълумотларидан ҳамда аудио ва видео техника воситаларидан ўринли фойдаланиш тавсия қилинади. Илғор педагогик технологиялар ва фанни ўқитишнинг интерфаол методларини қўллаш маъқул топилади.

Дарс самарадорлиги маълум даражада ўқув жараёнида қўлланиладиган педагогик технологияларга боғлиқ. Шунинг учун география таълимида педагогик ва ГАТ технологияларидан фойдаланиш назарда тутилади. Жумладан: компьютер технологияси, мультимедия воситалари, тест топшириқлари, кўргазмали қуроллар ва бошқа фан материалларига оид кўникмалар ва нутқий малакаларни шакллантиришга қаратилган табақада ёндашиш; ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини, мустақил ишларини табақали ташкил этиш; техник воситалардан видео, аудиомагнитофон, кодоскопдан фойдаланиш; кўргазмали қуроллардан фойдаланиш (схема, диаграмма, жадвал, расмлар); интерфаол методлар: суҳбат, лойиҳа методи, аклий ҳужум, кластер методи, ролли ўйинлар, мусобақа, кўрик танловлар, дебат, давра суҳбатлари, муаммоли ўқитиш, изоҳли ўқиш, ФСМУ технологияси, блиц ўйин технологияси, елпигич, бхбхб методи ва бошқа методлар.

### **Янги замонавий педагогик технологиялардан самарали фойдаланиш методикаси**

#### **“ВЕНН ДИАГРАММАСИ” МЕТОДИ**



Таърифи:

Иккита бир-бири билан кесишган доиралар кўринишидаги географик объектлар, харита, профиль, харита-схема, диаграммалар, фактлар, ходисалар, ғоялар, табиий ва иқтисодий географик шарт-шароитларни бир-бири билан таққослаш, буюк географ олимлар ва кашфиётчиларнинг географик меросини ўрганиш учун қўлланилади.

Айланма диаграмма. Ҳар бир доирадаги бўш жойлар тафовутларни ёзиш учун ишлатилади, доиралар кесишганда ҳосил бўлган умумий майдон икки таққосланаётган ходисаларнинг (географик объектлар, харита, профиль, харита-схема, диаграммалар ва бошқалар) умумий жиҳатларини қайд қилиш учун фойдаланилади.

Фойдаланиш доиралари:

География фанида саволларни маълум ўқув мавзусига ва ҳар қандай ёшдаги ўқувчилар гуруҳларига мослаштиришда индивидуал ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлаш учун қўлланилади.

Афзалликлари:

Танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради, предметлар, ходисалар ва шу кабиларнинг фарқи ҳамда ўхшаш жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради.

Қийинчиликлар:



Аниқланмаган.

**“АССЕСМЕНТ” ТЕХНОЛОГИЯСИ МЕТОДИ**

**Ассесмент** – ўз-ўзини тақдимот қилиш, маълум синовдан ўтиш учун қўлланадиган баҳолаш техникасидир. Ундан муайян бўлим якунида ўқувчиларнинг бўлим бўйича олган билимларини баҳолашда ёки дарснинг мустаҳкамлаш босқичида ёки назорат дарсларида фойдаланиш мумкин. Бу

техниканинг чизмаси куйидаги иккита вариантда берилган намунадагидек тузилади. Бунда топшириқлар сони ва савияси ўқувчиларнинг ёшига қараб ўзгартирилиши мумкин.

### 1-вариант

ТЕСТ	САВОЛ	ЎЗМА	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
 <p>Марказида қолдиқ тоғлар мавжуд бўлган табиий географик округни топинг            а) Мирзачўл            б) Устюрт            с) Қизилқум            д) Қуйи Амударё</p>	 <p><b>ДУНЁДАГИ ЭНГ БАЛАНД ШАРШАРА</b></p>	<p>1. Қайси сайёҳ Буюк географик кашфиётларни бошлаб берди ва нима учун?            2. Ўзбекистон иқлими шаклланишида қайси омиллар етакчи ўрин тутади?            3. Қайси масалалар глобал муаммолар қаторига киради?</p>	<p>Агар эҳолотда юборилган товуш 5 секунддан кейин қайтиб келса, океан чуқурлиги қанчага тенг бўлади?</p>

### 2-вариант

ТЕСТ	САВОЛ	ЎЗМА	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
<p>Жаҳоннинг умумий ер фонди қанча?            А) 13 млрд. га            Б) 15 млрд. га            С) 13.4 млрд. га            Д) 20 млрд. га</p>	<p>БМТнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш қароргоҳи қайси шаҳарда жойлашган?</p>	<p>Тугамайдиган табиий ресурслар деб нимага айтилади? Уларга мисоллар келтиринг</p>	<p>1. Ҳаво ҳарорати 30°C, ҳаводаги сув буғи 10 г/м<sup>3</sup> бўлса, унинг нисбий намлиги қанчага тенг бўлади?            2. Географик атласдаги яримшарлар харитасидан қуйидаги шаҳарларнинг географик координаталарини аниқланг            а) Тошкент, Самарқанд, Андижон;            б) Урганч, Бухоро, Термиз.</p>

## “ЕЛПИҒИЧ” ТЕХНОЛОГИЯСИ МЕТОДИ

“Елпиғич” технологияси мураккаб ва кўп тармоқли метод бўлиб, муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир йўла ахборот берилади. Яъни, ҳар бири алоҳида нуқталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий, афзаллик ва камчилик ҳамда фойдали ва зарарлари томонлари

белгиланади. Ушбу технология таълим олувчиларнинг танқидий, таҳлилий ва аниқ мантиқий фикрлашларини ривожлантиришга ҳамда ўз фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, шунингдек, уни ҳимоя қилишга имконият яратади.

1-мисол





- Маъруза режасига мос ҳолда 2-устунни тўлдилинг.
- Ўйланг, жуфтликда мавзу режасини ҳал этинг ва жавоб беринг. Ушбу саволлар бўйича нимани биласиз, 3-чи устунни тўлдилинг.
- Ўйланг, жуфтликда маъруза саволи бўйича биладиганларингизни аниқланг ва жавоб беринг. Ушбу саволлар бўйича нимани билиш керак? 4-чи устунни тўлдилинг.
- Маърузани эшитинг.
- Маърузадан олган билимларингиз асосида 5-чи устунни тўлдилинг.

1-мисол

№	Маъруза саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1.	Автомобилсозлик	Русумларини	Қанча бензин сарфлашини, қанча от кучига эга эканлигини	Автомобилсозлик заводи Асака шаҳрида 1996-йилда ишга туширилди

2.	Дунё океани	“Қирғоқсиз денгиз”, “Ерни айланиб оқувчи буюк дарё” маъноларини англатишини, Ер шарининг узлуксиз сувли қобиғи эканлигини	Дунё океани қисмлари	Дунё океанларида қандай денгизлар жойлашган?
----	-------------	---	----------------------	--

## 2-мисол

№	Маруза саволи	Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1	2	3	4	5
1	Германия Федератив Республикаси	ГФР пойтахти   Берлин шаҳри	ГФР нечта округдан иборат?	ГФР 16 та федерал ердан иборат
2	Антарктида материғи	Антарктида жанубий ярим шарда жойлашган	Антарктида майдони ҳақида	Майдони 14 107 000 км квдан иборат
3	“Мерседес-Бенц” автоконцерни	“Мерседес-Бенц” Германияда жойлашган автоконцерн	“Мерседес-Бенц” бир йилда қанча фойда кўради?	“Мерседес-Бенц” соф фойдаси 19,322 млрд. доллар

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкунки география дарслари самарадорлигини ошириш, янги педагогик технологиялардан фойдаланиб машғулотларни олиб бориш, ёш авлодни баркамол инсон қилиб таълим бериш ва тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Дарсларда қўлланиладиган ҳар бир метод ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатади. Дарсларни гуруҳларга бўлиб олиб боориш, яқка тартибда ишлаш ўқувчиларни билим салоҳиятини оширади. Ўқитувчи дарсга пухта тайёргарлик кўриши, ўрганилаётган мавзунини тўғри режалаштириши, ҳар бир режани ёритишда унга мос методни қўллаши керак бўлади. Агар танланган



метод тўғри бўлса у технологияга айланади ва кўзланган натижага эришилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент, Ўзбекистон, 2021. – 72 б.
2. География бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сонли буйруғи билан тасдиқланган). – Тошкент, 2020.
3. Табиёт ва география фанидан ўқувчиларда компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандарти (малака талаблари) ва ўқув дастурлари. – Тошкент, 2020.
4. Ғуломов П., Абдуллаев Р., Қурбонниёзов Р. Табиий география бошланғич курси (Ўқитувчилар учун методик қўлланма). –Т.: Тафаккур, 2014.- 148 б.
5. Соатов А., Қурбонниёзов Р., Миракмалов М., Назаралиева Э. Материклар ва океанлар табиий географияси (Ўқитувчилар учун методик қўлланма). –Т.: Тафаккур, 2016.
6. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-6-7-8- 9-синф ўқувчилари учун география атласлари. –Т.: Ергеодезкадастр, 2017.
7. Қодиров Р.Б., Рўзиева Х. География дарсларида амалий машғулотларни бажариш бўйича айрим тавсиялар. – Т.: Фарзай, 2012.
8. Қодиров. Р.Б., Ҳамдамов И. География фанидан тестлар тузиш ва улардан фойдаланиш методикаси. – Т.: Навруз, 2015.
9. Болтабоев С. ва бошқ. Педагогик амалиёт. Ўқув- методик қўлланма. - Тошкент, 2002.
10. Шарипов Ш. ва бошқ. Педагогик амалиёт. Методик тавсиянома. – Тошкент, 2006.
11. Саидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Тошкент, 2000.

### **ЭЛЕКТРОН ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ**

1. [хтти://vvv.ziynet.uz](http://vvv.ziynet.uz) сайти.
2. [vvv.gov.uz](http://vvv.gov.uz)
3. [vvv.ziynet.uz](http://vvv.ziynet.uz)
4. [vvv.geografiya.ru](http://vvv.geografiya.ru).